O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 29 сентябрь № 204 (3479) Чоршанба


## СИР

### Сайловда унинг иштироки қанча?

**Шундай манзарани кўз олдингизга келтиринг. Ҳозиргина овоз бериб чиққан сайловчидан мухбир сўраяпти:**

**— Кечирасиз, сиз кимга овоз бердингиз?**

**— Сайловлар тўғрисидаги қонунга биноан эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди.**

Хўш, бўлажак сайловларда ҳамма нарса яширин кечадими? Тўғри, сайловчининг кабина ичига кирганда кимга овоз бериши бошқаларга маълум қилинмайди. Лекин сайловолди жараёнларининг асосий босқичлари эл кўзи олдида, ошкора, очиқ амалга оширилади. Муайян сиёсий партия ёки ўша партия номидан депутатликка номзоди кўрсатилган шахснинг дастурлари, ўз сайловчилари олдида зиммасига олган мажбуриятлари очиқ-ошкора тарғиб қилинади. Бу йил сайловларда ишлатиладиган овоз бериш қутилари ҳам органик шишадан ойнаванд қилиб тайёрланган бўлиб, унинг ичига тушган бюллетенлар аниқ кўриниб туради. Бунда бирваракайига бир неча бюллетень ташлаш ҳам истисно этилади.

Рост-да, ўз юртимизда қандай мақсадларда янги шаклдаги парламент яратаётганлигимиз маълум бўлса, фуқаролик жамияти сари қадам ташлаётган бўлсак, бир-биримиздан нимани ҳам яширардик? Бу борада ҳеч қандай сир-синоат бўлмаслиги керак, сайловларимиз ошкора, ҳалол ва очиқ ўтиши лозим. Бу ҳақда кеча Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида жамулжам бўлган журналистлар муфассал сўз юритдилар. Бу ерда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан янги парламент сайлови жараёнида журналистларнинг ҳуқуқий ва касбий фаоллиги мавзуида семинар-тренинг ўтказилди. Ижодий уюшма раиси Шерзод Ғуломов демократик тамойилларнинг халқ ҳаётига кенг ёйилишида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни беқиёслиги тўғрисида сўз юритди. Ҳуқуқий мавзуда қалам тебратувчи журналистлар кенгаши раиси, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов халқ ичида ҳуқуқий тарғибот юритишга даъват этилган журналистларнинг ўзлари биринчи навбатда амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларини пухта ўзлаштирган бўлишлари лозимлиги хусусида тўхталди.

Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Шерзодхон Қудратхўжаев сайловолди жараёнларини радио-телевидение, газета саҳифаларида тезкор ва таъсирчан ёритиш муаммолари тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирди. Унинг айтишича, аксарият журналистлар ҳамон эски қолиплардан қутулолмаяпти, жойларда бўлаётган воқеаларни аҳолига етказишда ноанъанавий йўлларни изламаяпти. Бир қанча нашрлар шакли ва мазмуни жиҳатидан фарқ қилмайдиган ўхшаш хабарларни чоп этмоқда. Аслида, сайлов мавзуси ҳам ҳаётнинг ўзи каби ранг-баранг бўлиб, унга ижодий иш сифатида ёндошиш тақозо этилади.

Тажрибали ҳуқуқшунос, Судьялар ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари Убайдулла Мингбоев, Тошкент юридик институти катта ўқитувчиси Акбарали Раҳмонов сайлов билан боғлиқ тадбирларда журналистларнинг ўрни, амалдаги қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида батафсил сўз юритдилар. Сайлов жараёнида номзодлар дастурларини тарғиб қилиш қандай кўринишда амалга оширилади, кўзда тутилмаган муаммолар туғилганда унинг ечими бўйича нималар қилиш керак — шу ва шу каби саволлар ҳуқуқшунослар томонидан кенг муҳокама қилинди. Семинар-тренинг ҳар қандай расмийликдан холи, самимий суҳбат шаклида ташкил қилинганлиги туфайли унинг қатнашчилари ўз фикрларини очиқ-ойдин баён этиш имконига эга бўлдилар.

Қуйида айрим ҳамкасбларимизнинг фикрлари билан таништирамиз.

**Улуғбек ЮСУПОВ,**
**«Мулкдор» ҳафтаномаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи:**

*— Сайлов мавзусини ёритганда номзодлар меҳнат қилаётган жамоалардаги ибратли иш тажрибасини ҳам четлаб ўтмаймиз. Соғлом рақобат шароитида энг мақбул усулларнинг тарғиб қилиниши газетхонлар учун ҳам айни муддаодир.*

**Барно РАЖАБОВ,**
**Ўзбекистон радиоси бош директори:**

*— Бугунги анжуманда жуда кўп фойдали фикрлар айтилди. Демак, сайлов мавзусида эшиттириш тайёрлаган ҳар қандай журналист бу борадаги қонунчиликни пухта эгаллаши лозим.*

**Олим ТОШЕВ,**
**«Ёшлар» телеканали бош муҳаррири:**

*— Худди шундай тадбирларни тез-тез уюштиришимиз лозим. Навбатдаги мулоқотларимиз савол-жавоб тарзида ташкил этилса, жуда яхши бўларди.*

**Ашурали ЖЎРАЕВ,**
**«Муштум» журнали ва «Афанди» газетаси бош муҳаррири:**

*— Аввалги сайловда тўпланган тажрибалар эндиликда фойдаланилса, тўғри бўларди. Чунки истиқлол йилларида босиб ўтилган йўлимиз ҳаммамизга сабоқ бўлиши керак.*

Барчанинг кўнглида жўш урган мавзуда сўз юритилганлиги туфайли бўлса керак, семинар-тренинг тугагандан кейин ҳам ҳамкасблар гурунги тўхтамади. Кимдир иш жараёнида рўй берган мураккаблик ҳақида сўзласа, бошқа бирови олис вилоятда сайлов билан боғлиқ воқеаларни гапиради. Энг муҳими, ҳеч ким муаммоларни четлаб ўтиш ҳақида ўйламайди. Сайловлар арафасида овоз беришдан ташқари ҳамма нарса ошкора, очиқ бўлиши лозим. Ҳатто, камчиликларимиз ҳам. Бу борада барча учун тўғри сабоқ чиқарилгандагина мақсад сари тезроқ етишамиз. Семинар-тренингдан журналистлар шундай фикрлар билан тарқалишди.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**



## Эҳтиромга муносиб «Барчиной»

*Хўжаободлик ака-ука — Ҳабибулла, Ҳотамжон, Раҳимжон ва Салимжонлар тикувчилик цехи очишга қарор қилганларида унинг бугунги порлоқ келажагини тасаввур қилишганди. Дастлаб олтитагина тикув машинасига эга бўлган цех бугун эллик нафардан зиёд ишчи меҳнат қиладиган каттагина корхонага айланди. Туман ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши билан бу ерда калава ип қайта ишланиб, кийимбоп матолар ишлаб чиқариладиган цех қурилди. Ана шу матодан эса болалар ва эркаклар ички кийимлари тайёрланаётир. Кўриниши ва сифати ила ҳар қандай турдош корхоналар маҳсулотлари билан беллаша оладиган "Барчиной" кийимлари барчага манзур бўлмоқда.*

**СУРАТДА: тикувчи Феруза Хўжамбердиева иш устида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**




## Икки туман ғалабаси

Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак ва Қўнғирот туманлари деҳқонлари пахта топшириш йиллик режасини бажардилар. Аслида, шоличилик ва чорвачиликка ихтисослашган ушбу туманларда пахта етиштириш салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ҳар икки туман меҳнаткашлари мавсум охиригача режага қўшимча яна 2 минг тоннадан қимматбаҳо хомашё топшириш мажбуриятини олдилар.

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
### ФАРМОНИ

## Ш.Нурматовни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Шермат Нурматов Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 28 сентябрь.

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, мамлакатимизнинг Канададаги ўриндошлик бўйича элчиси Абдулазиз Комилов Оттавада Канада генерал-губернатори Адрианна Кларксонга ишонч ёрлиқларини топширди.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. А.Кларксон Ўзбекистон кўп асрлик маданий меросининг жаҳон цивилизацияси учун аҳамиятини алоҳида таъкидлади ва Канада Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди.

**«Жаҳон» АА.**

## Ажалнинг «ажали»

***Нега инсон ўзини ажал ботқоғига элтувчи ушбу моддага бу қадар рўжу қўймоқда?! Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, асримизнинг бошида дунёдаги гиёҳвандлар сони 200 миллион нафарни ташкил этган экан. Бугунчи? Уларнинг сони камаяптими ёки...***

Эътироф этиш керак, биз кўп ҳолларда гиёҳвандликка қарши кураш ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимларининг иши, деб қараймиз. Ана шу офат сизнинг, менинг ёки яна бир биродаримизнинг оиласига, фарзандлари тақдирига хавф солиши ҳақида ҳамиша ҳам ўйлаб кўравермаймиз. Англаганимизда эса кеч бўлади. Аслида, уюшган жиноятчилик, террор, ОИТСнинг илдизи ҳам гиёҳвандликка бориб тақалади.

Кеча Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясининг қарорига биноан Миллий Хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан гиёҳванд моддаларни ёқиб йўқ қилиш тадбири ўтказилди. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, халқаро ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпуслар вакиллари ва журналистлар иштирокида ўтказилган ушбу тадбирда 566 килограмм гиёҳванд моддалар ёқиб йўқ қилинди.

МХХ жамоатчилик билан алоқа бюросидан берилган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг олти ойи давомида гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига оид 4534 қонунбузарлик ҳоллари қайд этилган бўлиб, уларни содир этган кишилар қонун олдида ўз жиноятларига яраша жазо олганлар.

— Ўзбекистонда 19405 нафар киши гиёҳвандлик касаллиги билан рўйхатга олинган, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Наркология ва руҳий саломатлик маркази раҳбари Журъат Умаргалиев. — Гиёҳвандлар сони ўтган йиллардагига нисбатан анча камайган. Бунда ҳар йили ўтказиладиган "Қорадори" тадбири, ёшлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўз самарасини кўрсатмоқда.

Ярим тоннадан зиёд гиёҳванд моддалари йўқ қилинди. Агар у жиноятчилар кўзлаган манзилга етиб борганидами, юзлаб, минглаб одамларни ажал домига тортар, ҳаётини заҳару заққумга айлантирарди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов бўйича сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан маҳаллий ва хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов бўйича сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан маҳаллий ва хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказади.

Журналистларни аккредитациядан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига 1 октябрга қадар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси номига ОАВ ташкилотининг расмий бланкасида журналистни аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

аккредитациядан ўтказилаётган журналистнинг 3х4 см. ўлчамдаги икки фотосурати;

ОАВ ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, электрон ОАВ учун — эфирга узатишга доир лицензия нусхаси; хорижий журналистлар учун — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси.

Мазкур маълумотлар акс этмаган ёки журналистнинг фотосуратлари илова қилинмаган аризалар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

**Маълумотлар учун телефон рақами: 139-16-09.**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази.**

*Қўшма корхоналарда*

## Оққўрғон шарбатлари

Чойларнинг таъмини тотимли қиладиган нектар — мева шарбатлари яқин вақтларгача юртимизга олис хориждан келтирилар эди.

Ўзининг болтомар анжирлари, мева-чевалари билан довруқли Бувайданинг оққўрғонлик тадбиркорларидан бир маслаҳат чиқди. Наҳотки, шарбати, боли хориждагидан бир неча баробар устун мевалардан хушбўй нектар — бол ажратиб бўлмайди. «Албатта бўлади», — деди мевани қайта ишлаш бўйича мутахассис Баҳодиржон Қодиров. «Ниятга ҳаракат муштарак бўлса, бас», — деди тадбиркор Муҳаммаджон Хўжаев, «Ускуналарни мослаш, бетўхтов ишлашига биз кафилмиз», дейишди муҳандислар Алижон Холдоров ва Муҳаммад Халиловлар.

Мақсадлар муштарак бўлган жойда ният ижобат бўлар экан. Қишлоқдаги эски, ташландиқ консерва цехи тўлиқ қайта таъмирланди. Германиялик сармоядорлар кўмагида машҳур «Белла-терра» компаниясидан ускуналар олиб келинди.

Қисқа муддат ичида «Белла-терра интернейшнл» очиқ турдаги акционерлик жамияти фаолият кўрсата бошлади.

Бувайда, унга ёндош Бағдод, Учкўприк туманларида етиштирилган меваларнинг замонавий ускуналарда шарбати олиниб, чиройли идишларга қадоқланиб, савдога чиқарилаяпти. Оққўрғон шарбатлари кундан-кунга харидоргир бўлмоқда.

Ҳозирча қўшма корхонада оққўрғонлик 200 дан зиёд ёшлар меҳнат қилишаяпти. Шарбат корхонаси ёнида консерва тайёрлайдиган цех бунёд этишга ҳам киришилди. Корхонада ишловчилар сони, қувватини икки баробар ошириш имконияти бор. Келгуси йилдан яна бир хайрли ишга қўл урилмоқчи. Туманнинг қўриқ ерларида 200 гектарли боғ барпо этишга азму қарор қилинди. Шунда хомашё ҳам, маҳсулот ҳам корхонанинг ўзиники бўлади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## Облигация тақдимоти

*Тошкентда 28 сентябрь куни «COSCOM» Ўзбекистон – Америка қўшма корхонасининг корпоратив облигациялар чиқариши бўйича тақдимот бўлиб ўтди. Унинг ҳажми 600 миллион сўм бўлиб, уч йил муддатда амал қилади. Йиллик фоиз ставкаси 26 фоиз. Облигация сони — 10 000 дона. Бир дона қимматли қоғознинг нархи 60 000 сўм. Жойлаштириш муддати 100 кун. Фоизлар ҳар чоракда тўланади.*

**СУРАТДА: тақдимотдан лавҳа.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

# Сайловчилар ташаббускор гуруҳи

## у қандай тузилади?

Аввало шуни айтиш керакки, парламентнинг XV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонуннинг 20-моддасидаги ўзгаришга мувофиқ, депутатликка номзод кўрсатмоқчи бўлган фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи тегишли сайлов округидан камида уч юз кишидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши керак. Гуруҳ тузиш тартибига келсак, дастлаб гуруҳ йиғилиши ўтказилади. Йиғилишнинг баённомаси ёзилади. Депутатликка номзод кўрсатиш ҳақида қарор чиқарилади. Унда гуруҳнинг ваколатли вакили кўрсатилади. Шунингдек, гуруҳ аъзоларининг исми, отасининг исми, фамилияси, туғилган санаси, яшаш жойи, паспортининг серияси ва тартиб рақами келтирилган рўйхат ҳам тайёрланади. Сўнгра гуруҳнинг ваколатли вакили ушбу гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилади. Ушбу ҳужжатларга номзод ҳақидаги маълумотлар ҳам илова қилинади. Округ сайлов комиссияси тақдим этилган бу ҳужжатларнинг қанчалик қонуний эканлигини аниқлаб, беш кун ичида гуруҳни рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Агар сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинса, унинг ваколатли вакилига тегишли гувоҳнома ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкалари берилади. Бу гувоҳномага эга бўлиш номзод рўйхатга олинди дегани эмас. Яъни, эндиликда сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши лозим бўлади. Ҳар бир имзо варақасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими, иш ва яшаш жойи, партиявийлиги кўрсатилади. Тўпланаётган бу имзолар миқдори округ ҳудудига кирувчи ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда бўлиши шарт.

Сайловчиларнинг имзосига келсак, бир сайловчи фақат бир номзодни ёқлаб имзо қўйишга ҳақли. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Энди ташаббускор гуруҳнинг ваколатли вакили алоҳида-алоҳида тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этади. Мазкур комиссия имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кун муддат ичида тегишли баённомани Марказий сайлов комиссиясига топширади. Шу билан бир вақтда гуруҳнинг ваколатли вакили депутатликка номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага ташаббускор гуруҳ йиғилишининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ҳамда йиғилиш баённомаси илова қилинади. Баённомада депутатликка номзод ҳақидаги маълумотларга сайлов округининг номи ва рақами ҳам келтирилади. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатларга номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангудек бўлса, бажариб турган ишидан бўшаш тўғрисидаги аризаси ҳам киритилади. Марказий сайлов комиссияси ушбу ҳужжатларни тақдим этган шахсга уларнинг қабул қилиб олинганлиги ҳақида маълумотнома беради ҳамда ҳужжатларни етти кун ичида кўриб чиқиб, ўз хулосасини билдиради. Агар депутатликка номзод сифатида рўйхатга олинса, шу вақтдан у сайловчилар орасида тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлади.

**Сайлов қонунчилиги асосида Худойберди ЭШМАНОВ тайёрлади.**



# Саксон фарзандли буви

*— Ассалому алайкум, бувижон! Яхши ўтирибсизми?*

*Ҳозиргина Азизасини кузатган онахон эшикдан жилмайиб кириб келган Зебохон, унинг ортидан келаётган Азизжонни кўриб қувончини яширолмади.*

*— Келяпсизларми, болаларим! Ўзим ўргилай сизлардан!*

*У болалар келтирган гулдастани оларкан, тўйиб бўйлайди.*

*— Сиз гулларни яхши кўрганингиз учун гул келтирдик-да, — изоҳ беради Зебохон. — Ойим сизга деб бериб юбордилар.*

*У тугунга ўралган иссиққина бўрсилдоқ нон, бир коса қаймоқни бувига тутқазади. Бувининг кўзларида эса ёш ҳалқаланади.*

*Вера Фёдорова асли россиялик. Урушдан кейин турмуш ўртоғи билан Бағдодга кўчиб келишган. У узоқ йиллар туман шифохонасида шифокор бўлиб ишлади. Эл саломатлиги йўлида меҳнат қилди, ўнлаб ёш шифокорларга устоз бўлди. Пенсияга чиққандан сўнг ҳам шифохонани тарк этмади. Бугун саксон беш ёшни қаршилаётган онахон саксон нафар ўғил-қизнинг севимли бувиси. Бундан бир неча йил олдин бағдодликлар Вера бувининг нафақат қўли енгил шифокор, балки саховатпеша инсон эканлигига яна бир бор амин бўлдилар. Онахон ўз жамғармасидан кам таъминланган оилаларнинг нақд саксон нафар болакайига банкда "Болалар мақсадли омонати" очтириб пул қўйди. Эртага яхши кунига ярайди-да!*

*— Ўз фарзандларимиз бўлмади. Начора. Бироқ менга бири-биридан оқибатли қўшнилар, маҳалладошлар учради, — дейдилар Вера Дмитреевна. — Шукурки, қариганимда Худо ардоқли қилди. Тақдиримдан миннатдорман.*

**СУРАТДА: Вера буви бағдодлик набиралари даврасида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ТЕМПУС — ОЛИЙ ТАЪЛИМИМИЗ ДЎСТИ

***Темпус — Европа Иттифоқи (ЕИ) нинг Шарқий Европа, Марказий Осиё, Ғарбий Болқон ва Ўрта Ер денгизи атрофидаги ҳамкор мамлакатлар олий таълим тизимини ривожлантиришда ёрдам кўрсатишга қаратилган дастуридир. Ушбу дастур Ўзбекистонда ҳам 1994 йилнинг октябрь ойидан буён фаолият кўрсатиб келмоқда.***

*Халқаро ҳамкорлик*

Ўтган 10 йил мобайнида Темпус дастурининг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимиз олий таълим муассасалари Европа Иттифоқига аъзо давлатлардаги йирик университетлар билан ҳар тарафлама муваффақиятли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдилар.

Яқинда Тошкент кимё-технология институтида Темпуснинг анъанавий Ахборот кунларининг навбатдагиси ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва маданият масалалари бўйича Европа Комиссияси Бош директорати ҳамда Темпуснинг пойтахтимиздаги Миллий офиси томонидан ташкил этилди. Бу илмий-амалий семинарда Тошкент, Гулистон, Термиз, Навоий шаҳарларидаги олий таълим муассасалари ҳамда тармоқ вазирликлар ва ташкилотлар, ЕИга аъзо давлатларнинг Тошкентдаги элчихоналари раҳбарлари, бир қатор ЕИга ҳамкор давлатлар ва таълим соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Семинарни Тошкент кимё-технология институти ректори Садриддин Туробжонов қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан кейин республикамиз олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Шавкат Аюпов ҳамда пойтахтимиздаги Европа Уйи раҳбари жаноб Питер Редиш семинар ишига муваффақият тилаб, табрик сўзларини айтдилар. Анжуманда Европа Комиссияси вакили Клэр Морель хоним, Европа Таълим фонди вакили Кристина Хемшимайер хоним ва Темпуснинг Миллий офиси вакили Азиза Абдураҳмоновалар Темпус дастурининг республикамиздаги фаолияти, мазкур дастур ишидаги янгиликлар, дастур доирасида жорий этилган янги чора-тадбирлар ҳамда устувор йўналишларга доир маърузалар қилдилар. Семинар қатнашчилари Темпус танловларининг шартлари билан ҳам танишдилар ва лойиҳалар бўйича таклифлар тайёрлаш юзасидан амалий тавсиялар намойиш этилди.

Анжуман жараёнида Темпус дастури доирасида республикамиз олий таълим муассасаларида жорий этилган бир қатор сўнгги лойиҳалар, шунингдек, Якка тартибдаги сафарбарлик йўналишида олинган Темпус грантларининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

Семинар давомида кўрилган масалалар, тингланган маърузалар юзасидан қизғин ва самарали фикр алмашувлар ҳам бўлди.

— Темпус дастури Ўзбекистон олий таълими соҳасининг яқин дўсти ва ишончли ҳамкоридир, — деди биз билан суҳбатда Тошкент давлат ирригация ва мелиорация институти профессори Алим Пўлатов. — Ўзининг 10 йиллик фаолияти давомида ушбу дастур заҳматкашлари биз учун Европа олий таълимидаги илғор анъаналар ва тажрибалар эшигини кенг очди. Республикамиз олий таълим тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда ва сифатини оширишда Темпус билан ҳамкорлигимиз янада самарали натижаларни беришига ишонамиз.

**М. САФАРОВ.**

Хабарлар оқимидан

## Саломатлик йўлидаги шериклик

АҚШнинг "Procter & Gamble" компанияси қарийб етти йилдан буён "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, республика Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда хайрия тадбирларини ўтказиб келмоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасида бўлиб ўтган учрашув ҳам айнан ҳамкорлик истиқболларига бағишланди. Жамғарма "Procter & Gamble" компанияси билан ҳамкорликда болалар ва ўсмир ёшлар ўртасида "Балоғат даври", "Жозибадор табассум", шунингдек, ёш оналар учун "Соғлом она — соғлом бола" дастурлари доирасида бир қатор тадбирлар ўтказди.

Тадбирдан сўнг ҳамкорлар пойтахтимиздаги 6-туғруқхонага санитария-гигиена ашёлари, шунингдек, ёш оналар учун қўлланмалар топширдилар.

## «Экотуризм ва барқарор ривожланиш»

Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги боғда ўтказилган экофестиваль шундай номланди. Бутунжаҳон туризм кунига бағишлаб "Экосан" халқаро жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анжуманда мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, туризм соҳасида фаолият юритаётган фирма ва компаниялар, жамоатчилик вакиллари ва талаба-ёшлар иштирок этдилар.

Фестивалдан кўзланган асосий мақсад хорижий дипломатлар, компаниялар вакиллари ва кенг жамоатчиликни мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти билан яқиндан таништириш, экологик туризм соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдир.

Фестивал доирасида "Экосан-тур", "Atlantida—Tour", "Миракл" сингари бир қатор курортлар, сайёҳлик ташкилотлари, меҳмонхоналар томонидан кўргазмалар ташкил этилди.

**М. ТОЖИЕВА.**

# Демократиянинг ажралмас қисми

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бўйича бюроси (ИХДИБ) Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси экспертлар ҳайъатининг Ўзбекистонга ташрифи якунланди.

ЕХҲТ экспертларининг мазкур ташрифдан асосий мақсади республикамизда кечаётган сайловолди кампанияси, Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларга тайёргарлик жараёнининг халқаро меъёрларга мувофиқлигини ўрганиш ва баҳолашдан иборат эди.

Ҳайъат аъзолари Бухорода "Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда очиқ-ойдинлик ва ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари — дунё тажрибаси, меъёр ва андозалар" мавзуидаги халқаро анжуманда иштирок этишди.

Меҳмонлар Марказий сайлов комиссияси ва мамлакат парламенти, республика вазирликлари ва идораларида, шунингдек, сиёсий партиялар, нодавлат ва халқаро ташкилотлар ҳамда Тошкентдаги дипломатик корпус вакиллари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Учрашувлар чоғида ИХДИБ экспертлари сайловларга тайёргарлик жараёни, унда сиёсий партияларнинг иштироки, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг фаолият юритиш шароитлари тўғрисида батафсил маълумот олдилар. Ўзаро мулоқотларда Ўзбекистоннинг ЕХҲТдаги мажбуриятларига содиқлиги, ЕХҲТнинг 1990 йилда қабул қилинган Копенгаген ҳужжатида ўз ифодасини топган сайловлар борасидаги меъёрларга тўла риоя қилишга интилаётгани эътироф этилди.

**«Жаҳон» АА.**

# Ҳушёрлик — қалб уйғоқлиги

Дунё яралибдики, икки куч доимо ҳаракатда. Бири оламни обод қилсам, яшнатсам, дейди. Иккинчисининг аъмоли эса вайронагарчилик, қабоҳат, жаҳолат...

Олам-олам бўлибдики, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Лекин эзгулик ҳамиша ғолиб бўлган, музаффар саналган.

Давр бугунги кунда дунё халқларини бир-бири билан маҳкамроқ жипслашишга, қўлни-қўлга бериб янада сергак бўлиб яшашга ундамоқда. Терроризм нима эканлигини ўзбек халқи яхши билади. У етказган жароҳат халқимиз қалбида чандиқ бўлиб қолди. Шу йилнинг 29-30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳрида, Бухоро вилоятининг Ромитан туманида қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширган 24 нафар шахс устидан жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судида суд жараёнлари давом этмоқда ва айблов хулосалари ўқиб эшиттирилмоқда. Уларнинг аксари қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқдориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни сақлаш, олиб юриш, контрабанда ва бошқа бир қатор ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланмоқда.

Алп йигитлар, маъсума келинчаклар... Уларнинг дилларини «хизбут таҳрир», «жиҳод»нинг ўргимчак тўри қачон ўраб олди экан? Маҳалла-куй, қўни-қўшнилар қаёқда эдилар? Наҳотки, бепарволик, лоқайдлик иллатлари уларни ўз домига тортган бўлса...

Аслида ҳушёрлик қалб уйғоқлиги, беоромлигим дегани.

Уйғоқлик — қалб кўзимизнинг очиқлиги.

Уйғоқлик — ўз уйимизни, ўз юртимизни асрамоқ дегани. Шундай туйғу билан яшаётганларнинг қалбида ўз қуёши бор. Ўз ватанига хиёнат этганларнинг эса, юзи ҳам, юраги ҳам қора. Уларга халқ ўз ҳукмини ўқийди.

**Ҳасан АРАБОВ, Бухоро вилояти.**

## *Бекобод «Мадина»си*

Бекобод шаҳри ва тумани савдо дўконларида "Мадина" тамғаси билан бежирим кийим-кечаклар тез-тез кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Арзон ва сифатли буюмларнинг савдоси чаққон.

Корхона ташкил этилган қисқа вақт оралиғида қирқ нафар қўлигул чевар нафақат замонавий кийим-кечак, балки рўзғор учун зарур бўлган кўрпа-тўшак, ишчи коржомалари ҳам тикишмоқда.

# ИМКОНИЯТ БИР ХИЛ, НАТИЖА-ЧИ?

***Бугун юртимизда барча соҳаларда улкан ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бири-биридан кўркам, ҳашаматли бинолар қад ростламоқда, замонавий, мустаҳкам кўприклар қурилмоқда. Кўплаб қўшма корхоналар ишга туширилаётир. Энг муҳими, бундай ислоҳотлардан қишлоқ хўжалиги ҳам четда қолмаяпти. Юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам улкан саноатлашув юз бермоқда, олис-олис қишлоқларга саноат корхоналари кириб бормоқда.***

Оддий қишлоқ ёшлари замонавий технологияларни бошқаришни уддаламоқда. Тадбиркорларимиз мустақиллик шарофати туфайли хориж сафарларига чиқиб, чет эл бизнесменлари билан улар тилида бемалол "тиллашмоқда". Хориж технологиялари юртимизга кириб келмоқда. Олдинлари хомашё тарзида жаҳон бозорига йўл олаётган пахтамиз, пилламиз бугун тайёр маҳсулот ҳолида четга чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, сир эмаски, бир вақтлар тўла қувват билан ишлаган айрим корхоналар бугун "ўтириб" қолган. Кўплаб ишчилар айни пайтда бекор. Чунки очиғини айтиш керак, бозор иқтисодиёти шароитида бу каби саноат ташкилотларининг иши орқага кетмоқда. Хўш, бунинг сабаби нимада? Биз ушбу саволга жавоб топиш мақсадида икки корхона фаолияти билан яқиндан танишдик. Шулардан бири Китоб туманидаги яккаю ягона бўлган ип йигирув фабрикасидир.

Бугунга келиб фабрика молиявий инқироз ботқоғига ботган, десак янглишмаймиз. Ҳозирда ишчилар сони 400 нафардан ошади, холос. Шулардан 380 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Раҳбарнинг айтишича, фабрикада 1994-95 йиллар мобайнида 1500 нафарга яқин аёл ишлаган экан.

Директор Тоҳир Қодиров ишга келганига эндигина 7-8 ой бўлибди. Ўша пайтда ойлик маошлар етти-саккиз мингдан ошмаган экан.

— Ҳозир ўртача иш ҳақи 20-25 минг сўм атрофида,— дейди фабрика бош ҳисобчиси Шокир Худойқулов.

Аммо унинг суҳбатидан шу нарса маълум бўлдики, ишчиларга уч-тўрт ойдан бери маош берилмаётган экан.

Цехларни айланамиз. Ишчи аёллар махсус кийим-кечак билан таъминланмаган. Пахтадан чиқаётган чанг-тўзон ҳамма ёқни тутган.

Жамоада меҳнат қилаётган ишчи аёллар билан суҳбатлашдик. Улар негадир ҳеч қандай муаммо йўқлиги ҳақида гапиришди. Андиша қилишди, шекилли? Наҳотки юқорида айтилганлар муаммо бўлмаса?

— Тўғри, ишчилар ҳам яшаши керак-ку? Уларга олти ой давомида олти миллион сўмлик ёрдам пули тарқатдик, — дейди директор оғзини тўлдириб.

Олти миллион сўм 400 нафардан ортиқ ишчига олти ой давомида қанчадан тақсимланади? Ҳисобни ўзингиз чиқариб олаверинг.

Фабрикада ишлаб чиқарилган калава иплар бозорда ўз харидорини топмай, омборда туриб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби — технологиялар эскирган. Бу эса ўз навбатида маҳсулот сифатига таъсир этмай қолмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида ишни бундай ташкил қилиш билан узоққа бориб бўлмаслиги аниқ. Трикотаж фабрикаларининг иши юришмаётганлиги ҳам жамоа фаолиятига тўсқинлик қилмоқда.

Ҳа, бир вақтлар бир ярим мингдан ортиқ аёлларга иш топиб берган фабриканинг аҳволи танг ҳолатда. Ҳали ҳам ишчиларнинг фидойилигига қо-

## *Рақобат — бозор қонуни*

йил қолиш керак. Уч-тўрт ойдан бери маош берилмаса ҳам корхонада садоқат билан меҳнат қилишаяпти. Ишни тўғри ташкил қилолмаган, минглаб ишчилар тақдирига бефарқ қараган собиқ раҳбарлар жамоа манфаатини ўйламай, "давринг келди, сур, бегим" қабилида иш юритмаганларида бугун корхона шундай аҳволга тушмаган бўларди?

— Бу ҳолатдан чиқиб кетиш учун қандай тадбирлар кўраяпсизлар? Нега хориж инвестициясини жалб этмаяпсизлар?— сўраймиз жамоа раҳбаридан.

— Корхонани инқироз ботқоғидан чиқариш йўлларини излаяпмиз,— дейди раҳбар.— Хориж компанияларига акцияларимизни сотмоқчи эдик, бироқ акциядорларимиз бунга йўл қўйишмади. Уларнинг ўзлари уч миллиард сўм миқдорида маблағ тўплашга ваъда беришган.

Лекин бу катта маблағ қачон тўпланади? Ҳеч ким аниқ жавоб айтолмайди.

Энди иккинчи манзара билан танишинг. "Кумуш" акциядорлик жамияти Китоб тумани билан ёнма-ён — Шаҳрисабзда жойлашган. Бу ерда ипакка қайта ишлов берилади. Икки корхонани бир-бири билан таққосласак, юқоридаги ҳолатнинг мутлақо аксини кўрамиз.

"Кумуш"нинг 1125 нафар ишчиси бор. Шундан 900 нафари хотин-қизлардир. Уларнинг ўртача ойлик маоши 35-40 минг сўмни ташкил этади. Муҳими, маошлар ўз вақтида берилади. Ишчиларнинг ишлаши, яшаши учун ҳамма шароитлар яратилган. Иккита ошхона улар хизматида. Бу ерда овқатлар корхона ходимлари учун 50 фоиз арзонлаштирилган. Бундан ташқари, дам олиш учун маиший соғломлаштириш хоналари, спорт заллари, сауна, бассейнлар мавжуд. Ишчиларнинг келиб-кетиш сарфини ҳам корхона кўтараяпти.

— Ҳар куни корхонада бир тоннадан ортиқ тайёр ипак маҳсулотларини ишлаб чиқарамиз, — дейди жамият раиси Шавкат Холмуродов. — Тўла қувват билан ишлаб, ҳар ойда 27-28 тоннагача ипакка қайта ишлов берамиз. Бу борада биз билан рақобатлаша оладиган корхона йўқ.

Жамият раҳбари корхонанинг муваффақиятига асосий сабаб, чет эллик тадбиркорлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилганлигида, деб билади.

—"Кумуш"нинг ипаги деса, хорижлик харидорлар биздан сифат сертификати сўрамайди,—дейди корхона раҳбари фахр билан.—Маҳсулотларимизга дунёнинг турли мамлакатларидан АҚШ, Ҳиндистон, Англия, Бирлашган Араб Амирликларида талаб катта. Биз ой сайин юртимизга 250 минг АҚШ доллари миқдорида чет эл валютаси топаяпмиз. Бундан ташқари, япониялик тадбиркорлар билан музокаралар олиб бораяпмиз. Агар биз учун зарур дастгоҳларни улардан сотиб олиб ўрнатсак, ипак чиқиндиларидан ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Шунда яна қўшимча 300 та янги иш ўринлари очилади.

Жамият фаолиятида муаммолар ҳам йўқ эмас. Шавкат Холмуродовнинг айтишича, корхона шундай тўла қувват билан ишлашда давом этса, йил охирига бориб хомашё тақчиллиги юз бериши мумкин экан. Қолаверса, корхона ҳозир хомашёни фақат Қашқадарё вилоятидан харид қилмоқда. Бошқа вилоятлар нарх кўтарилиши мумкин, деб ипакларини сотишмаяпти. Жамият мутахассисининг куйиниб айтишича, барча вилоятларда ҳам пиллани сақлаш учун етарлича шароит йўқ. Бу нарса ўз-ўзидан хомашё сифатига ҳам таъсир этмай қолмайди.

Юқоридаги икки корхонанинг аҳволи дастлаб бизни ҳам мулоҳаза қилишга ундади. Икки хил кўриниш, икки хил манзара. Лекин шуниси ачинарлики, ушбу корхоналарнинг имконияти бир хил. Иш натижаси эса турлича...

Бугун халқ хўжалигининг барча соҳаларида катта ўзгаришлар рўй бераётганлиги маълум. Айниқса, енгил саноат соҳасида. Зеро, мамлакатимизда ушбу саноатни ривожлантириш учун барча шароитлар етарли. Пахта, пилла хомашёси ўзимиздан чиқади. Четга хомашё эмас, тайёр, бозорбоп маҳсулот чиқариш орқали жаҳон бозорида ўз ўрнимизни эгаллаш имкони бор. Шу ўринда "Кумуш" акциядорлик жамияти раҳбарининг бир гапини келтириб ўтишни лозим топдик:

— Мен мамлакатимизда енгил саноат соҳасида қилинаётган ишларни кузатиб бораман. Янгиликлардан орқада қолмасликка ҳаракат қиламан. Эндиликда жамоа манфаатини эмас, ўз чўнтагини ўйлайдиган, жаҳон бозори нима эканлигини билмайдиган раҳбарлар бош бўлган корхоналар ўнгланмаётир.

Суҳбатдошимизнинг фикрларидан англашиладики, қаерда ислоҳот жадал амалга оширилса, ўша ерда олдинга силжиш ҳам, ривожланиш ҳам бўлади. Раҳбарки, жамоаси манфаатини нафақат ички бозоримизда, балки жаҳон бозорида ҳам ҳимоя қила оладиган салоҳият эгаси бўлса, бу корхонанинг иши ривож топиб, обрў-эътибори мустаҳкамланиб бораверади.

**Юнус БЎРОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## Шифокор огоҳ этади

# Гоҳ ошкор, гоҳ яширин...

***Шундай касаллик турлари борки, уларнинг мавсумий кучайиш даври бўлади. Вирусли гепатит ёки халқ тили билан айтганда "сариқ" хасталиги айнан шулар сирасига киради.***

***Вирусли гепатит касаллиги узоқ йиллар давомида соғлиқни сақлаш тизимида долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Келинг, далилларга мурожаат қилайлик.***

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида Ўзбекистонда йилига 250-280 минг аҳоли ушбу касалликка чалинган. Ҳозир эса ҳар юз минг нафар аҳолидан бир ярим мингга яқини шу касаллик билан оғрияпти. Аниқ мақсадга йўналтирилган мажмуавий санитария-соғломлаштириш, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказилиши натижасида касаллик кўрсаткичи 1987 йилга нисбатан ҳозирги кунда 12,4 мартага камайди.

Мазкур касаллик турли вируслар (А,В,С,Д,Е) томонидан қўзғалиб, бадан, кўзнинг сарғайиши, жигарнинг шишиши каби умумий клиник белгилар билан кечади. Шу ўринда касалликнинг қайд этилган турлари бўйича алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Вирусли гепатит А хасталикнинг энг кўп тарқалган тури бўлиб, у беморларнинг 55-60 фоизини ташкил этади. Касаллик соғлом кишиларга озиқ-овқат маҳсулотлари, сув ва ифлос қўллар орқали юқади. Хасталикнинг яширин даври кўпинча 3-4 ҳафта давом этади. Дастлабки даврда беморлар ҳолсизланади, боши оғрийди, кўнгли айнаб, қайт қилади, тана ҳарорати 37-38,5 даражага кўтарилади.

Шуни таъкидлаш керакки, касаллик тана териси, кўзнинг сарғайиши билан кечса-да, айрим ҳолларда бу белги кузатилмаслиги ҳам мумкин. Бунда касалликнинг асосий белгиси жигарнинг катталашиши ва жигар ферментлари фаоллигининг ортиши орқали аниқланади. Вирусли гепатит билан касалланиш ноябрь-декабрь ойларида авжига чиқади.

Клиник жиҳатдан гепатит В оғирроқ кечади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, унинг вируси юққанда касалликнинг клиник белгилари ҳар доим ҳам яққол билинмайди. Бу эса атрофдагилар учун хавфли. Чунки бундай ҳолларда беморлар шифокорга мурожаат килмайди. Аниқ белгилар намоён бўлмагач, шифокорлар ҳам буни эътиборсиз қолдириши мумкин. Касаллик қўзғатувчилари инсон танасига ошқозон шиллиқ қаватлари, жароҳатланган тери орқали, шунингдек, қон препаратлари қуйилганда юқиши мумкин.

Гепатит Е касаллиги худди А каби, гепатит С, Д эса касалликнинг В тури сингари кечади. Мазкур касаллик ўта хавфли ва юқумли бўлгани боис, унинг олдини олиш учун бошқа юқумли ичак касалликлари каби профилактик чоралар кўрилади. Шахсий гигиенага риоя қилиш, сувни қайнатиб ичиш, мева ва сабзавотларни ювиб истеъмол қилиш лозим.

Вирусли гепатит А билан касалланганларнинг 70 фоизга яқинини мактабгача ёшдаги болалар ва мактаб ўқувчилари ташкил этади. Профилактик тадбирларни ўтказишда ушбу гуруҳга алоҳида эътибор бериш лозим. Барча мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида махсус изоляторлар ташкил қилиниши керак. Шунингдек, касалликни эрта аниқлаш мақсадида эрталабки тиббий кўрик ўтказилиши, қайнатилган сувни истеъмол қилишлари учун титан, чойнак ва етарли миқдорда идишлар билан таъминланиши зарур.

Касалликнинг мавсумий кўпайиш даврида барча муассасаларда совун, сода ёки сунъий ювувчи воситалар билан зарарсизлантириш ишлари ўтказиш, умумий фойдаланиш жойларида хлорамин, хлорли оҳак, натрий гипохлориддан фойдаланишни йўлга қўйиш яхши самара беради.

Вирусли гепатит Внинг олдини олиш учун асосан профилактик эмлаш ишлари амалга оширилади. Тошкент шаҳрида бундай эмлаш 2001 йилдан бошлаб ўтказилмоқда. Натижада касалланиш кўрсаткичи кескин камайди. 2003 йилги таҳлил якунларига кўра, вирусли гепатит В билан касалланиш 1-2 ёшли болалар ўртасида 1997 йилга нисбатан 86 мартага, 3-6 ёшли болалар ўртасида эса 25,5 мартага ва 7-14 ёшли болалар ўртасида 23,3 мартага камайган. Ҳозир республикамизда миллий эмлаш календари асосида гепатит В га қарши 3 маротабалик профилактик эмлаш бепул ўтказилмоқда.

Албатта, ҳар қандай касаллик ўз номи билан касаллик. Унинг ҳеч бирига эътиборсиз қараб бўлмайди. Вирусли гепатитдек юқумли хасталикнинг олдини олишда нафақат шифокорларнинг муолажаси, балки ҳар биримизнинг атроф муҳитни тоза, озода тутишимиз, керакли профилактик чораларга қатъий риоя этишимиз муҳим аҳамият касб этади.

**Б.НИЁЗМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Давлат бош санитария врачи.**


"Lok Kolor Sintez"
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОД
ЭМАЛЛАРНИНГ
кенг ассортиментини таклиф этади.

Товланувчи эмаллар

УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЬ
Товланувчи, атмосфера ўзгаришларига чидамли бўлган, хоналарнинг ташқи металл, ёғоч қопламаларини бўяшда қўлланилади.

ПОЛ УЧУН ЭМАЛЬ
Товланувчи, мустаҳкам, сув ва ювувчи воситалар таъсирига чидамли ва қийин кўчадиган эмаль.

ЭМУЛСИОН ЭМАЛЬ
Металл ва бошқа қопламаларни устки ва ташқи бўяшда қўлланиладиган товланувчи ва қаттиқ эмаль.

Ярим товланувчи эмаллар

ТОМ УЧУН ЭМАЛЬ
Ярим товланувчи, атмосфера ўзгаришларига чидамли ва юқори сифатли эмаль металл, бетон, ғиштли юзаларни бўяшда қўлланилади. Шунингдек, металл ва ёғоч томларни, вагонларни бўяшда ишлатилиши мумкин.

Қаттиқ эмаллар

ҚАТТИҚ ЭМАЛЬ
Хоналарнинг ёғоч, металл ва бошқа юзаларини ички ва ташқи бўяш учун қўлланилади. Замонавий евроуслуб, қулай ва илиқ интерьер ҳосил қилишда ёрдам беради.

ИШЛАТИШГА ТАЙЁР ҲОЛДАГИ ОҚ ЭМАЛЬ
Ярим товланувчи,декоратив хусусиятлари яхшиланган ва хонанинг барча ички қопламаларини бўяшда қўлланиладиган юқори сифатли эмаль.



Корхона халқаро сифат совринига сазовор бўлган ва SPIнинг олтин медали билан тақдирланган.



Маҳсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Телефон: (998 71) 191-47-41, 191-80-94.
Факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor@rol.uz

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.


## Шинам мактабда ўқишга не етсин?!

Андижон вилояти "Пахтасаноат" худудий бирлашмаси Пахтаобод туманидаги 31-мактаб-интернат биносини қайта таъмирдан чиқаришга кўмаклашди, дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири.

Бирлашма мактаб таъмири учун 120 миллион сўм маблағ ажратди. Жамоанинг эзгу ташаббуси вилоятдаги бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Ҳомийлар муруввати сабаб интернатнинг 250 нафар тарбияланувчиси спорт кийимлари, маиший хизмат техникаларига эга бўлдилар.


Katris ФИРМАСИ
МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН
МЕБЕЛЬ
ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.



МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН
Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.



Юртимиз пахтакорлари диққатига!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТА БАНК»

Сизлар учун 3 ойдан — 1 йил муддатгача қабул қилиниб, муддатига мутаносиб равишда йиллик 25 фоиздан 38 фоизгача даромад тўланадиган

"Оқ олтин", "Пахтакор", "Саховат"



муддатли омонатларини таклиф этади!

Ушбу жамғарма омонатларга маблағингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб туришингиз мумкин.

Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!

«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!



«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)
ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»
предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.
Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

| Диаметры труб (мм) | Цена за 1 тонну (без НДС) сўм. Цены действительны по 25.10.2004 г. |
|---|---|

ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:

| | | | |
|---|---|---|---|
| ДУ 15х2,8 мм | 939000 | ДУ 50х3,0 мм | 919000 |
| ДУ 20х2,8 мм | 939000 | ДУ 65х4,0 мм | 899000 |
| ДУ 25х3.2 мм | 929000 | ДУ 80х3,5 мм | 899000 |
| ДУ 32х3,2 мм | 919000 | ДУ 100х5,0 мм | 899000 |
| ДУ 40х3,0 мм | 919000 | | |

ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:

| | |
|---|---|
| 76х3,5 мм | 899000 |
| 89х5,0 мм | 899000 |
| 108х5,0 мм | 899000 |



Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):
- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиҳа».
Товар сертифицирован, услуги лицензированы.


Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Тошкент халқаро радиоси» бошқармаси жамоаси «Ватандош» муҳарририяти муҳаррири Адиба Қосимовага отаси филология фанлари доктори, профессор

**Бегали ҚОСИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Информатика ва информацион технологиялар кафедраси катта ўқитувчиси Шоира Умаровага отаси

**Ғуломжон УСМОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маънавият» нашриёти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

**Бегали ҚОСИМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича Бош бошқармаси жамоаси «Навоийсувқурилиш» ОАЖ хизматчиси

**Қиём КЕНЖАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси жамоаси Қарши шаҳридаги «Санам» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳусан Ражабовга онаси

**Бўстон ая РАЖАБОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН



Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тогаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни – 20.30 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5